

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ҚЎМИТАСИ**

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ
ИНСТИТУТИ**



**ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ:
ЗАМОНАВИЙ АМАЛИЁТ ВА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

I қисм

21-22 май, 2020 йил

Самарқанд – 2020

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ҚЎМИТАСИ**

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ
ИНСТИТУТИ**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ:
ЗАМОНАВИЙ АМАЛИЁТ ВА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
ТЎПЛАМИ**

II қисм

21-22 май, 2020 йил

Самарқанд – 2020

3. Косилов И.А., Димов С.К., Дегтяренко Л.В. Профилактика и ликвидация бруцеллёза курпного рогатого скота (методические рекомендации) //СО, ВАСХНИЛ, ИЭВСиДВ-Новосибирск, 1986.-55 с.

4. Здрадовский П.Ф. «Бруцеллёз» //Современное учение применительно к патологии человека. М.изд. 1953. С. 264

5. Климанов А.И., Шумилов К.В., Рузимуродов М.А. и др. Совершенствование средств серологической диагностики бруцеллёза сельскохозяйственных животных. //Актуальные вопросы профилактики бруцеллёза и организация медицинской помощи больным. Тез. докладов Всесоюзной Конференции, Новосибирск., М.1989. с. 133.

УДК 619.616.61724.8.559.59

ҚОРАМОЛЛАР ТУБЕРКУЛЁЗИ ВА КАСАЛЛИКДАН СОҒЛОМЛАШТИРИШ УСЛУБЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Г.Х.Мамадуллаев, О.К.Жўракулов

Ветеринария илмий тадқиқот институти

З.Ж.Шопўлатова

Самарқанд ветеринария медицинаси институти.

Аннотация. Мақолада қорамоллар туберкулёзининг алоҳида табиатига эга бўлган баъзи хусусиятлари, келтириладиган ижтимоий ва иқтисодий зарар, касалликдан соғломлаштиришининг 3 хил услуги: – Ветеринария–санитария, Тубазид кимёпрофилактикаси ва ЭТИС комплекс препарати ёрдамида кимёпрофилактика қилиш услубларининг ўзаро қиёсий иқтисодий самарадорлигининг таҳлили берилган.

Калит сўзлар: Ветеринария-санитария, Тубазидопрфилактика, ЭТИС, синергизм, пролонгация, комбинация, микобактерия, *M.tuberculosis*, *M.bovis*, аллергия.

Кириш. Республикамизда туберкулёзнинг бир қанча муаммолари, хусусан қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида касаллик тарқалишининг ўзига хос хусусиятлари, эмланган ва касалланган ҳайвонларда бир хил аллергия реакция намоён бўлиши, ППД туберкулин диагностикасини чет давлатлардан валютага сотиб олиниши каби муаммолар ўз ечимини тўлиқ топгани йўқ. Айниқса, касаллик қўзғатувчисининг маълум бир турдаги ҳайвон организмига эволюция давомида мослашишига қарамасдан, улар қишлоқ хўжалик, уй ва ёввойи ҳайвонлар ҳамда паррандаларга ва ҳатто инсон организмига миграция қилиши касаллик бўйича эпидемик ва эпизоотик ҳолатни мураккаблашувига олиб келмоқда.

Туберкулёзнинг барча юқумли касалликларга хос бўлган хусусиятлари билан бир қаторда алоҳида табиатига эга бўлган бир қанча хусусиятлари ҳам мавжуд. Касалликнинг тарқалиши, инфекция келтириб чиқарадиган омиллар, сурункали кечиши, организмнинг касалликка нисбатан миқдорий ва сифатий тафовутда бўлиши жумласидандир.

Туберкулёзга қарши курашиш йўриқномасига (Тошкент 2016 й.) мувофиқ касалликка қарши кураш фақат санитария усулида олиб борилиб, молларнинг насллилиги, ёши, бугозлиги ёки маҳсулдорлигидан қатъий назар туберкулинга реакция берган молларни бартараф қилиб боришга қаратилган. Бунинг натижасида баъзан асоссиз равишда кўплаб мол бош сони сўйилиши натижасида йуқ қилинади. Туберкулёз аниқланган хўжаликларда режа асосида аллергия текширишларда ҳар бир туберкулинизацияда (2-3 ой оралиқ билан) ижобий реакция берган қорамоллар бартараф қилиб борилади. Бундай жараён узоқ давом этиши мумкин ва бу даврда кўплаб маҳсулдор молларнинг камайишига олиб келади. Попада қолган шартли соғлом моллар организми эса муҳофаза қилинмайди. Бундан ташқари туберкулёз аллергиясида нотипик микобактериоз омили (парааллергия, псевдоаллергия) соғломлаштириш

тадбирларининг натижасига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Туберкулёз бўйича носоғлом хўжаликларда латент микробизм жараёни ҳам кечади. Сабаби, мол организми ёш даврида (бузоқлигида) инфекцияни юқтирган бўлади ва микобактерия таёқчалари айрим ички-аъзо ва лимфа тугунларида пассив ҳолатда яшаб қолади. Ёш мол вояга етиб, сут маҳсулоти бера бошлагандан сўнг, табиийки организмнинг резистентлиги биринчи туғишдан сўнг пасаяди. Шу фурсатда пассив яшаб қолган туберкулёз таёқчалари қайта фаоллашади ва фаолият кўрсата бошлайди, ҳайвон организмида касаллик ривожланади. Одатда, бундай моллар аллергия текширишларда ППД-туберкулинга реакция бермайди, аммо ташқи муҳитга қўзғатувчини тарқата бошлайди.

Попада шартли соғлом мол организмни муҳофазалаш ёрдамида фермада қолган мол бош сонини сақлаб қолишнинг имконияти яратилган. ЭТИС комплекс препарати ёрдамида ҳайвонлар туберкулёзини кимёпрофилактика қилиш услуги ишлаб чиқилган. Ўтказилган тадқиқотлар ҳамда препаратни касалликдан соғломлаштириш услубининг амалиётга жорий этиш натижасида ушбу услуб бўйича илмий техник хужжатлар тузилиб, Республика ветеринария бошқарув идораларида тасдиқланган ва Давлат Стандарти рўйхатига олинган.

Материал ва услублар. ЭТИС комплекс препарати ёрдамида соғломлаштириш услубининг иқтисодий самарадорлиги бошқа соғломлаштириш услубларига нисбатан самарадорлиги қиёсий таҳлил қилинди. Препарат асосан носоғлом фермалардаги шартли соғлом молларга ҳамда туберкулёз юқиш ва тарқалиш эҳтимоли бўлган хўжаликлар фермаларида касалликка қарши курашиш ва олдини олиш йўриқномаси тадбирларига қўшимча сифатида қўлланилди. Препаратни жорий этиш тадбирлари “Ҳайвонлар туберкулёзига қарши ЭТИС-2 препаратини амалиётда қўллаш бўйича (Тошкент 1998 й.) ЙЎРИҚНОМА”-га мувофиқ қўлланилди. Туберкулёз бўйича чорвачилик хўжаликлари фермаларида касалликдан келтириладиган иқтисодий зарарнинг миқдори «Методика определения экономической эффективности ветеринарных мероприятий (М., 1982 г. стр. 33)» услубий тавсияномаси бўйича аниқланди.

Тадқиқотларнинг натижалари. ЭТИС комплекс препарати ёрдамида кимёпрофилактика қилиш услуги жорий этиш натижасида хўжаликларда инфекцияни бартараф қилиш муддатлари кескин қисқарди ва кўплаб шартли соғлом молни касалликдан асраб қолишга эришилди. Туберкулёз бўйича носоғлом ва шартли соғлом фермалардаги шартли соғлом молларни касалликдан ҳимоя қилишда ва соғломлаштириш муддатларини қисқартиришда препарат самарали восита бўлиб хизмат қилди.

“Ҳайвонлар туберкулёзини олдини олиш ва қарши курашиш” бўйича йўриқномада аллергия текширишда ППД-туберкулинга реакция бермаган шартли соғлом мол организми муҳофаза қилинмайди ва кейинги текширишларда реакция берган моллар қушхоналарда сўйилиб, бартараф қилиб борилаверади. ЭТИС комплекс препарати ёрдамида кимёпрофилактика қилиш услуги орқали ҳайвон организми муҳофазаланди ва подада қолган кўплаб шартли соғлом молларни сақлаб қолишга эришилди.

Жадвалдан кўриниб турибдики, туберкулёз аниқланган хўжаликда 1 бош молга Ветеринария-санитария услубида соғломлаштириш жараёнида 270000 сўм сарфланди ва иқтисодий самарадорлик олинмади. Тубазид препарати ёрдамида кимёпрофилактика услубида 232200 сўм сарфланди ва 1 бош молга 458000 сўм иқтисодий самарадорликка эришилди. ЭТИС комплекс препарати ёрдамида соғломлаштиришда эса 1 бош молга 1966000 сўм иқтисодий самарадорлик олинди. 1 хўжалик бўйича ўртача 1573000 сўм иқтисодий самарадорликка эришилди.

ЭТИС комплекс препарати ёрдамида қорамоллар туберкулёзини кимёпрофилактика қилиш услуги ёрдамида Республика бўйича жами 14599 бош қорамолларни туберкулёздан асраб қолишга эришилди.

**ЭТИС-2 комплекс препарати ёрдамида хайвонлар туберкулёзини
кимёпрофилактика қилиш услубининг иқтисодий самарадорлиги (минг сўм)**

№	Кўрсаткичлар	Соғломлаштириш услублари		
		Ветеринария санитария	Тубазид кимёпрофилакти каси	ЭТИС кимёпрофилакт икаси
1	Хўжаликлар сони	254	5	31
2	Соғломлаштириш муддатлари, ой	22	19	9
3	Соғломлаштириш даврида 1 бош мол учун иқтисодий зарар	270	233,2	110,4
4	1 бош молга ветеринария тадбирларининг таннарихи, Жумладан:			
	а) Аллергик текширишлар	1,9	1,7	0,7
	б) Дезинфекция ва санитар таъмирлаш	52,3	45,1	21,4
	в) Сутни зарарсизлантириш	12,2	10,6	5,5
	г) Кимёофилактика	0	18,05	1,8
	Жами	66,4	57,4	29,7
5	1 бош молга иқтисодий самарадорлик	-	45,8	196,6
6	Битта соғломлаштирилган хўжаликда иқтисодий самарадорлик	-	36,6	157,3

Препарат ёрдамида кимёпрофилактика қилиш услубини жорий этиш натижасида хўжаликларда инфекцияни бартараф қилиш муддатлари кескин қисқарди ва кўплаб шартли соғлом молни касалликдан асраб қолишга эришилди.

Хулосалар

1. ЭТИС комплекс препарати ёрдамида қорамоллар туберкулёздан соғломлаштириш услуби – Ветеринария-санитария ва тубазид профилактикаси услубларига нисбатан юқори иқтисодий самарадорлик кўрсатди.

2. ЭТИС комплекс препаратининг ишлаб чиқариш шароитида қорамоллар туберкулёзини соғломлаштириш тадбирларига жорий этилиши натижасида хўжалик фермаларини соғломлаштириш муддати 9 ойгача қисқарди;

3. ЭТИС комплекс препарати орқали кимёпрофилактика услубини тадбиқ этилиши инфекциянинг латент микробизм ҳолатидаги кўринишига барҳам беришда муҳим роль ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бутко М. П., Богенин Ю.И., Бригко В.Ф., Грузинов Д.В. и др. Комплексная система оздоровления молочно-товарной фермы от туберкулёза // Ветеринария №12, 2003, С. 8-10

2. Наставление по химиопрофилактике туберкулёза крупного рогатого скота с помощью тубазида (изониазида) Ташкент 1985, 8 с.

3. “Хайвонлар туберкулёзини олдини олиш ва қарши кураш ҳақида” йўриқнома (Тошкент 1998 й.) 68- бет.

4. Хайвонлар туберкулёзига қарши ЭТИС-2 препаратини қўллаш бўйича ЙЎРИҚНОМА // Республика Давлат ветеринария Бош бошқармаси томонидан 2014 йил 12 апрелда Тасдиқланган, Мажлис баёни №55. Тошкент 2014 й.